
ЭЪЛОН: Яйпандаги кўп тармоқли марказий поликлиника болалар бўлими таъмирлаш ишлари сабабли вақтинчалик Конизардаги 1-сонли касб-ҳунар мактаби биносига кўчди

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар Туркистон кўчасида жойлашган кўп тармоқли марказий поликлиника болалар бўлимида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилишига [киришилди](#).

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 12-13 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисда берилган топшириқлар бўйича йиғилиш баёнига асосан тиббиёт муассасасида 3 млрд. сўмлик мукамал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Шу сабабли мазкур тиббиёт маскани **вақтинчалик Конизар мавзесидаги 1-сонли касб-ҳунар мактаби (собиқ Агросаноат коллежи)нинг бўш биноларига** кўчди.

Мўлжал: “Конизар” айланмаси, “Ўзбекистон” ўйингоҳи яқинида

Шифокор мутахассислар мазкур манзилда туманимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни бошлашди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-06-23 19:44:15